



Ислом Нури

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг газотлари (яъни, ислом душманларига карши олиб борган жанглари):

Ибн Аббос разияллоху анхумодан ривоят килинади, у зот айтадилар: «Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Маккадан (кофирлар у зотни ўлдирмокчи бўлганларида) чиккан пайтларида Абу Бакр разияллоху анху: “Инна лиллах ва инна илайхи рожиъу-у-н, ўз пайгамбарларини чиқариб юборишди, (бу кавм) албатта, халок бўлгучидир”, — дедилар. Кейин Аллох азза ва жалла: «Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг килиш) изни берилди. Албатта Аллох уларни голиб килишга Кодирдир». (Хаж: 39) оятини нозил килди. Ушбу оят жиход (кофирларга карши жанг) хакида нозил бўлган биринчи оятдир».

Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам йигирма етти марта гозотга (яъни, жиходга) чикдилар, булардан тўккистасида; - Бадр, Ухуд, ал-Мурайсиъ, ал-Хандак, Курайза, Хайбар, ал-Фатх, Хунайн ва ат-Тоиф деб ном олган гозотларда - жанг килдилар. Эллик олти марта атрофга лашкар юбордилар.

Набий алайхиссалоту вассаломнинг хаж ва умралари:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам Мадинага хижрат килганларидан сўнг, факат бир марта хаж килганлар. У зотнинг ушбу хажлари, таърихда “Хажжатул-вадоъ” номи билан машхур. Тўрт марта умра килганлар:

Биринчи: Худайбийя умраси, бу умрани охирига етказишларига мушриклар йўл кўймаганлар. Худайбийя номли ерга етиб борганларида, мушриклар Маккага киргизмай, балки келгуси йилда



Ислом Нури

келсалар улар Маккани мусулмонларга уч кунга бўшатиб беришларини ваъда берганлар.

Иккинчи: Умратулказо – сулхга биноан, келгуси йили бориб, аввалги йилдаги охирига етказа олмаган умраларининг казосини килганлар, шу сабаблик бу умраларининг номи “Умратулказо” дейилади.

Учинчи: Умратул-жииррона – Макка фатх этилган йили Жииррона номли жойга келиб, ўша ердан ихром кийиб килган умралари, шу сабаб бу умранинг номи “Умратул-жииррона”дир.

Ушбу уч умрани Набий соллаллоху алайхи ва саллам зулкаъда ойларида бажардилар.

Тўртинчи: Хажжатул-вадоъга борганлирида, Мадинага кайтишларидан аввал, охирги килган умралари.

Росулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг шакл-шамойиллари:

Пайгамбар алайхиссалоту вассалом, на новча ва на пакана балки, кадди коматлари ўзларига ярашган, кўркам, ўрта бўйли киши эдилар. Ок юзли, бу окликка бир оз кизиллик аралашиб гўё юзлари куёш каби порлар эди. Сочлари кора, таралган, узунлиги кулоқларининг юмшогига етарди ва икки кўзлари коп-кора, худди сурма кўйгандек жуда хам чиройли эди. Баданлари сержун эмас, факат кўкракларининг ўртаси ва коринларида, ўзларига ярашган, бир оз нозик юнглари бор эди.

Набий соллаллоху алайхи ва салламнинг ахлоклари:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам кишиларнинг энг



Ислом Нури

саховатлиси, энг ростгўйи, табиатан энг мулойими ва муошаратда энг карамлиси эдилар. Аллох Таъоло у киши хакларида: «Ва албатта Сиз улуг Хулк устидадирсиз» (Калам:4),— деди. Ўта шижоъатли, хам тавозели, покиза, хаёда эса бокира кизлардан кўра хаёлирок эдилар. Хадяни кабул килар, хадя бергувчига у зот хам хадя берардилар. Садакани кабул килмас-емасдилар. Газаблансалар ўз хавойи нафслари учун эмас, факат Парвардигорлари учунгина газабланардилар. Топганларини ер, хозирланган нарсани кайтармас, хозир бўлмаган нарсага эса, такаллуф (ортикча уриниш) килмасдилар. Ёнбошлаб ёки хонтахта устида емасдилар. Гохида икки-уч ой уйларида козон кайнамас, хурмо ва сув билан кифояланишарди. Мискин, факир кишилар билан бирга ўлтирар, бемор кишиларни зиёрат килар ва жаноза, дафн маросимларида иштирок этардилар.

Хазил-мутояба хам килардилар, лекин хазиллари рост сўзлар билан бўларди. Кулардилар, лекин ках-каха отиб эмас, кулгулари табассум эди. (Уйда) ахли-байтларининг меҳнати (хизмати)да бўлардилар ва: «Сизларнинг энг яхшиларингиз ахли-байтларига яхширогингиздир (яъни, улар билан гўзал муошарат - муомалада бўлганларингиз) ва сизларнинг ичингизда ўз ахли-байтига яхширогингиз менман (яъни, хаммаларингиздан кўра ахли байтимга гўзал муомаладаман)»,— дер эдилар. (Термизий ва Албоний сахих дедилар)

Анас ибн Молик разияллоху анху айтадилар: «Ўн йил Росулulloх соллalloху алайхи ва салламнинг хизматларида бўлдим, у зот, бирон марма бир килган ишим учун: “Нима учун бу ишни килдинг?!” ва килмаган ишимга: “Фалон ишни килмайсанми?!”,— демадилар».

Росулulloх соллalloху алайхи ва салламнинг кўрсатган мўъжизалари:



Ислом Нури

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам халкларга лутф этар, мўъжизалар кўрсатардилар. Мушриклар пайгамбаримиздан осмондаги ойни иккига бўлиб беришларини талаб қилишганида, Аллох Таъолодан дуо қилиб сўрадилар, дуолари ижобат бўлиб, у зот соллаллоху алайхи ва салламга мўъжиза ўларок ой иккига бўлинди. Бир сафар бир обдастадаги сувга кўлларини кўйиб турганларида, обдаста ичидаги сув булок бўлиб окди. Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам масжид ичига ўртанилган хурмо ёғочига суяниб хутба қилардилар, хутба учун хос минбар ясалганидан сўнг, у ёғочни тарк этган пайтларида, Набий алайхиссалоту вассаломдан (ёнида туриб хутба қилишларидан) ажралганлиги учун, халиги хурмо ёғочи гамгин бўлиб (худди йиглаганга ўхшаш) овоз чикарди (расулulloх уни тинчлантириб силаганларидан кейингина у босилди). Бир марта эгаси томонидан каттик кийнатилган – хорланган бир туя у зот соллаллоху алайхи ва салламга шикоят қилди. Яна Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам гоҳо хали рўй бермаган гайб ишлардан хабар берардилар, у иш Аллох Таъолонинг изни билан, у зотга мўъжиза бўлган холда, айтганларидек воқеа бўлар эди.

(Булардан ҳам кўра каттарок мўъжизалари Куръони Каримдир. Унинг то ҳозирги қунимизгача, бирор харфининг ўзгармай қелиши – ҳамда то рўзи Киёмат ўзгармаслиги – бу у зот соллаллоху алайхи ва саллам учун жуда ҳам катта мўъжизадир).

Росулulloх соллаллоху алайхи ва салламга Аллох Таъоло тарафидан ато этилинган фазилатлар:

Жобир инб Абдуллох розияллоху андхудан ривоят қилинган ҳадисда Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Мендан аввал ҳеч кимга берилмаган беш нарсани менга берилди: “Бир ойлик



Ислом Нури

масофадан (душманнинг калбига тушадиган) кўркув билан нусратландим»; “Мен учун ер(юзи)ни масжид ва покловчи (яъни, таяммум учун) килиб кўйилди, умматларимдан кимки намоз вақтига тўғри келса, номозини ўқисин! (яъни, қайси ерга тўғри келса, ўша ерда ўқисин, чунки ер юзи хаммаси биз учун покдир)»; “Ганиматлар (жангдаги ўлжалар) менга халол килинди, уни мендан аввал ҳеч кимга халол килинмаган эди»; “Менга шафоат (катта шафоат) ато этилди»; “(Аввалда) бирон пайгамбар юборилса, уни ўз кавмига хос килиб юбориларди, мен эса, барча одамларга умумий пайгамбар килиб юборилдим”». (Муттафкун алайх)

Имом Муслим Анас ибн Моликдан ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Киёмат куни (шафоат этишга ижозат этилган) одамлардан энг биринчиси менман. Киёмат куни пайгамбарлардан энг эргашувчиси кўпи менман. Жаннат эшигини биринчи кокувчи (яъни, жаннатга биринчи қирувчи) менман». Яна, Абу Хурайра разияллоху анхудан Имом Муслим ўзлари танҳо ривоят қилган бошқа ҳадисда, Набий алайхиссалоту вассалом айтадилар: «Киёмат куни Одам алайхиссом авлодларининг саййиди (энг шарафли, улуги) менман. Кабр очилиб ичидан биринчи чикгувчи менман. Биринчи шафоат этгувчи ва шафоати қабул этилган биринчи (шахс) менман». Ушбулар Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламга это этилган баъзи фазилатлардир.

У зот соллаллоху алайхи ва салламнинг ибодат ва ҳаёт тарзлари:

Оиша онамиз разияллоху анҳо айтадилар: «Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам (кечалари ибодатда) коим бўлиб, ҳатто икки оёқлари шишиб кетарди, у зотдан бу ҳақда сўралса, “(Аллох Таъолога) кўп шукр қилгувчи банда бўлмайинми?!” — дердилар» (Муттафақун алайх)



Ислом Нури

ва яна дедилар: «Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг тунда ухлайдиган тўшаклари ичига хурмо толаси тўлдирилган хом теридан эди (яъни, хом терини тўшак шаклига келтириб, ичини хурмонинг толаси билан тўлдириб кўйилган эди)».

Абдуллох ибн Умар разияллоху анху бир хадисда айтадилар: «Мен, Росулуллох соллаллоху алайхи ва салламни, коринларини тўйгазиш учун (лоакал) сифатсиз хурмо бўлса ҳам, топа олмай кунни (очликдан) букчайиб ўтказганларини кўрганман».

Мана шундай, тириклару ўликлар – ўтганлару колганларнинг саййиди бўлмиш Набий алайхиссалоту вассаломга бу дунёдан эришолмаган нарсалари у зотга заррача зарар килмади.

Бизларни ҳам у зотнинг умматларидан килган Аллох Таъолога ҳамду санолар бўлсин ва бизларни Ўзига тоат-ибодат килмогимизга муваффақ айлаб, Ўзининг Китоби, Пайгамбарининг суннати узра жамласин!

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг хаётларидаги энг машхур воқеалар:

— Исро ва Меърож: Бу воқеа хижратдан уч йил аввал содир бўлди ва унда намоз фарз килинди.

• Хижрий сананинг биринчи йилидаги воқеалар:

— Хижрат.

— Масжидун-Набавийнинг бино килиниши.



Ислом Нури

— Давлат таъсис килишга киришиш.

— Закотнинг фарз этилиши.

- Иккинчи йил:

— Бадрдаги катта газот, бу газотда Аллох Таъоло мўъминларни азиз килиб, уларни душманлари устидан голиб килди.

- Учинчи йил:

— Ухуд газоти, бу газотда пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг таълимотларига хилоф килинганлиги ва баъзи бир кишилар ганимат молларига овора бўлиб колганлари сабабли бир оз маглубият бўлди.

- Тўртинчи йил:

— Бану-н-Назийр газоти, бу газотда Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам Бану-н-Назийр яхудларини Мадинадан сургун килдилар. Чунки улар ўзлари билан мусулмонлар ўрталаридаги битимни бузган эдилар.

- Бешинчи йил:

— Бану-л-Мусталик газоти.

— Хандак газоти ва унинг оркасидан Бану Курайза газоти.

- Олтинчи йил:

— Худайбийя сулхи.



— Арокнинг катъийян харом килиниши.

• Еттинчи йил:

— Хайбар газоти.

— Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам муслмонлар билан биргаликда Маккага кириб, Худайбийяда бажаролмаган умраларини бажаришлари. Яъни, “Умратулказо”.

— Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам София бинти Хуйяй розияллоху анхога уйланишлари.

• Саккизинчи йил:

— Муслмонлар ва Румликлар ўрталарида бўлиб ўтган машхур “Мўъта газоти”.

— Маккани фатх этилиши.

— Хавозин ва Сакиф кабилари каршисига бўлган “Хунайн газоти”.

• Тўккизинчи йил:

— Росулulloх соллalloху алайхи ва салламнинг энг охирги газотлари бўлмиш “Табук газоти”.

— Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам хузурларига атрофдаги араб кабиларидан вакиллар (делегатлар) келиши ва одамлар исломга гурух-гурух бўлиб киришлари. Мана шу йилни “вакиллар йили” деб ҳам аталди.



Ислом Нури

- Ўнинчи йил:

— Хажжатул-вадоъ, бу хажда росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам билан биргаликда юз мингдан ортик мусулмон хаж килди.

- Ўн биринчи йил:

Росулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг вафотлари:

Рабийул-аввал ойининг душанба кунларидан бирида Набий алайхиссалоту вассалом бу фоний дунёдан рехлат килдилар. Аник кайси кун эканлигида ихтилофлар бор. (Бир ривоятда айтилишича Рабиул-аввалнинг иккинчи яна бирида ўн иккинчи куни дейилган валлоху аълам). Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам вафот этганларида ёшлари олтмиш учда эди. Пайгамбар бўлгунларигача кирк йил, пайгамбарликдан кейин йигирма уч йил умр кўрдилар. Ушбу йигирма уч йилнинг ўн уч йили Маккада, колган ўн йили хижратдан сўнг Мадинада ўтди. У зоти шарифга Аллох Таъолонинг дуруду салавотлари бўлсин!

Тамом

- Фойдаланилган манбалар:

— “Тахзибул-Асмой ва-ллугот” (Нававий)

— “Ат-Табсира вал-Хадоик” (Ибнул-Жавзий)

— “Зодул-маод” (Ибнул-Каййим)



- “Ас-Сийратун-набавийя” (Захабий)
- “Жавомиус-Сийратун-набавийя” (Ибн Хазм)
- “Ал-Фусул фий сийратир-росул” (Ибн Касийр)
- “Сахихус-Сиратун-набавийя” (Иброхим Алий)